

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ**

**“Пул, кредит ва банклар” фанидан**

# **КУРС ИШИ**

**Мавзу: “Ўзбекистонда инфляция ва унинг ўзига  
хос хусусиятлари”**

**Бажарди: КБИ-90,91 гуруҳ  
талабаси Садиев Х.**

**Илмий раҳбар: Матякубов Ж.**

**ТОШКЕНТ – 2013**

**Режа:**

**Кириш**

- 1. Инфляция, унинг мазмуни, келиб чиқиш сабаблари ва шакллари.**
- 2. Ўзбекистонда инфляция ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили.**
- 3. Пул муомаласини барқарорлаштириш ва инфляцияни бартараф қилиш йўллари.**

**Хулоса**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

## **Кириш**

Бозор муносабатларининг ривожланиши давлатнинг корхоналар фаолиятидаги тугридан тугри аралашувини камайиши тарафдори булсада, купгина хукумат органлари мустакил хужалик субъектларининг фаолиятига тускинлик килишади, яъни аллакандай таъкиклашлар куйишади ёки биринчи навбатда маълум бир истемолчилар учун товар етказишга мажбур килишади. Маъмурий тускинликлар натижасида бозорга кириш кийинлашади, айникса, кичик ва урта бизнес вакиллари учун бизнесни бошлаш кишинчилик тугдиради, улар томонидан купгина харажатлар килинади ва бу хам нархнинг ошишига олиб келади.

**Инфляция** – муомалада керагидан ортикча пул пайдо булиб, нарх-наво ушиб, пул кадр-киймати яъни харид қобилиятининг пасайиши, пулнинг обрусизланишидир.

Инфляция – бу барча товар ва хизматларга булган нарх индексининг кутарилишидир. Купинча бунинг учун нархнинг ушиб динамикасини инфодаловчи курсаткичлардан фойдаланилади. Асосий курсаткич булиб нарх индекси хисобланади. У жорий йилдаги уртача нархларни аввалги йилдаги уртача нархларга нисбатитарзида хисобланади.

Аммо инфляцияни пулнинг кадрили пасайиши, муомалада коғоз пулнинг купайиб кетиши тарзида курсатиш тулик эмас, у нархларнинг ушиб тарзида намоён булса хам уни факат пул билан боғлаш ярамайди. У мураккаб иқтисодий воқелик, у бутун такрор ишлаб чиқаришнинг диспропорцияси, мутаносибликни бузилшини инфодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 январда ўтказилган йиғилишида белгилаб берилган 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида республикамизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги ҳамда юқори иқтисодий ўсиш таъминланди.

2012 йилда инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлар доирасида сақланиб қолинди ва 7 фоиздан ошмади.

Бунда қатъий пул-кредит сиёсати юритилганлиги инфляцияни жиловлашда муҳим аҳамият касб этди ва истеъмол баҳолари индексининг ўсиши асосан номонетар омиллар ҳисобига юз берди<sup>1</sup>.

Инфляциянинг иктисодий ва социал оқибатлари мураккаб ва турли-туман. Инфляция пулдан қочишга уни сарфлашни тезлаштиришга олиб келади. У товар очлигини қучайтиради, пул жамғалишга рағбатни сусайтириди, пул кредит тизимини издан чиқаради, бартерни тиклайди.

Ундан ташқари давлат бюджети даромадлари кадрсизланади, нисбатан кадрлирок пул маблағларидан йилгилган даромадлар бюджет харажатлари амалга оширилгунга қадар булган қика давр мобайнида узининг аввалги сотиб олиш қувватини йукотади. Маълумки охириги ун йилликда, деярли барча мамлакатлар иктисодиетида ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва нархларнинг усиши кузатилди. Ўзбекистон ҳам бундан четда қолгани йук. Инфляция жараёнидан қолган асоратлар: аҳоли реал даромадларининг тушиб кетиши, жамғармалар қийматининг тушиб кетиши, ишлаб чиқарувчиларнинг сифатли товар ишлаб чиқаришга булган қизиқишларининг йуқолиши, аҳоли ижтимоий қатламларининг яшаш шароитининг ёмонлашуви қабилирна Ўзбекистон ҳам уз бошидан утқазди. Инфляция натижаларидан бири - эртанги қунга ишонқининг йуқолиши булиб қолди. Буни наққат аҳоли мисолида, балки инвесторлар мисолида ҳам қуриш мумкин. Шу ва бошқа сабаблар иктисодий номуносивликларни қелтириб чиқарди.

Инфляцияни маълум меъёрда сақлаб туриш учун унинг моҳиятини, омиллари ва уни қаракатга қелтирувчи механизми тушуниб олмоғимиз қозим.

---

<sup>1</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

## **1. Инфляция, унинг мазмуни, келиб чиқиш сабаблари ва шакллари**

Инфляция лотинча «inflatio» сўзидан олинган бўлиб «иш», «бўртиш», «кўпчиш» деган маънони англатади. Бу сўз XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб иқтисодчилар томонидан иқтисодий термин сифатида ишлатилгунча қадар, у тиббиётда хавфли ўсма касалини ифодалашда қўлланилган.

Тарих ҳақиқатда ҳам бу сўзнинг ҳар томонлама хавфли эканлигини кўрсатди. Чунки инфляция қандайдир алоҳида олинган бозорда товарлар ва хизматлар нархининг ўсишидангина иборат бўлмасдан, бу умумиқтисод учун хавфли ҳодисадир. Инфляция сўзининг иқтисодий ўгиртмаси - муомалада мавжуд бўлган товарлар ва уларнинг баҳосига нисбатан кўп пул чиқариш деган маънони англатади.

Иқтисодда инфляциянинг якуни товарлар баҳосининг ўсишига, қониқтирилмаган, лекин қисман тўланиши мумкин бўлган талабларнинг вужудга келишга олиб келади. Одатда инфляциянинг бу тури - классик инфляция деб юритилади.

Инфляция сўзи пул муомаласи соҳасида АҚШ нинг Шимолий ва Жанубий штатлари ўртасида гражданлар уруши бўлганда муомалага жуда кўп миқдорда (450 млн. грин бек) қоғоз доллар чиқарилган вақтдан бошлаб қўлланила бошлаган. Уларнинг сотиб олиш қобилияти икки йилдан кейин 50 фоизларгача тушиб кетган. Агар тарихга эътибор берадиган бўлсак, уруш ва бошқа офатлар сабабли давлат харажатларнинг ошиб кетиши, инфляция билан узвий боғлиқ. Масалан, Англияда кучли инфляция XIX асрнинг бошида Наполеон билан уруш даврида, Францияда - француз революцияси даврида, Россияда XIX асрнинг ўрталарида намоён бўлган. Германияда жуда юқори суръатлардаги инфляция 1923 йилларда бўлиб, муомаладаги пул массаси 496 квинтиллион маркагача етган ва пул бирлиги триллион марта қадрсизланган. Бу тарихий мисоллар кўрсатадики, инфляция ҳозирги давр жараёни бўлмасдан, тарихан мавжуд бўлган жараёндир.

Инфляция ва унинг ривожланиши алоҳида олинган мамлакатда маълум хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Ҳозирги давр инфляцияси, ўтган

давр инфляциясидан фарқ қилувчи хусусиятларга эга. Олдинги инфляциялар вақтинчалик бўлиб, улар одатда уруш вақтида ҳарбий харажатларни қоплаш учун қоғоз пуллар чиқарилиши натижасида юзага келган. Бирор даромад олмасдан туриб, яъни ишлаб чиқариш ва товарооборот суръатларини оширмасдан, ёки бу кўрсаткичлар камайиб кетган ҳолда давлат томонидан бўладиган харажатларни молиялаштиришнинг асосий йўлларида бири қоғоз пулларни муомалага чиқаришдан иборат бўлган. Натижада муомалага чиқарилган пуллар, муомала учун зарур бўлган олтин миқдоридан ошиб кетган ва пулнинг реал қиймати унинг номинал қийматидан тушиб кетган, яъни, ҳақиқатда пул бирлиги ўзида кўрсатилганидан кам олтин миқдорни ифода қила бошлаган.

Олдинги инфляцияларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар маълум даврда намоён бўлган. Ҳозирги давр инфляцияси эса одатда доимий (хроник) характерга эга бўлиб хўжалик ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиши билан, пул омилларида ташқари бошқа иқтисодий омилларга таъсир қилиши билан фарқланади.

Охириги йилларда инфляция тез-тез учраб турадиган жараён бўлиб сифати ҳам ўзгариб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирги кунлардаги инфляция: биринчидан, узлуксиз баҳоларнинг ошишига; иккинчидан пул муомаласи қонунининг бузилиши натижасида умумхўжалик механизмнинг ишдан чиқишига олиб келади. XX аср инфляциясининг асосий сабаби товар камёблигигина бўлиб қолмасдан, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқаришда кризислар мавжудлиги билан ифодаланади.

Ҳозирги давр инфляцияси биринчидан; пул талабининг товар таклифидан ошиши натижасида пул муомаласи қонунининг бузилиши; иккинчидан; - ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар салмоғининг ўсиши натижасида товарлар баҳосининг ошиши ва шу сабабли пул массасининг ортиб бориши билан ифодаланади.

Инфляциянинг асосий сабаби - бу халқ хўжалигининг турли соҳалари ўртасида вужудга келган номуносиблиқдир. Бу аввалам бор жамғарма ва

истеъмол ўртасидаги, талаб ва таклиф, давлатнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги муомаладаги пул массаси ва хўжаликларнинг нақд пулга бўлган талаби ўртасидаги номутанносибликлардан иборатдир.

Инфляцияни юзага келтирувчи омилларга қараб унинг сабабларини ички ва ташқи сабабларга бўлиш мумкин.

Инфляциянинг ички омиллари монетар-пул сиёсати билан ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ турларига бўлинади. Хўжалик фаолияти билан боғлиқ омиллар бу хўжаликдаги ва иқтисоддаги мутаносибликнинг бузилиши, ишлаб чиқаришда яқка хукмронликка йўл қўйиш, иқтисоднинг циклик ривожланиши, инвестициялашда номутаносиблик, баҳоларни ташкил қилишда давлатнинг яқка хокимлиги, кредит сиёсатининг нотўғри олиб борилиши ва бошқалар ҳисобланса, пул билан боғлиқ омилларга давлат молияси соҳасидаги кризислар; давлат бюджетнинг дефицити, давлат қарзларининг ўсиши, пул эмиссияси, пул муомаласи қонунининг бузилиши, кредитлашда автоматизмга йўл қўйиш ва бошқалар киради.

Инфляциянинг ташқи омилларига жаҳон иқтисодида бўлган кризислар, (хом-ашё, ёқилғи, валюта бўйича) давлатнинг валюта сиёсати, давлатнинг бошқа давлатлар билан ташқи иқтисодий фаолияти, олтин ва валюта захиралари билан бўладиган ноқонуний операциялар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишида юзага келувчи диспропорциялар сабабли товарлар ва хизматлар баҳосининг умумий ёки тўхтовсиз ўсиши ва натижада пул муомаласи қонунининг бузилиши оқибатда пул бирилигининг қадрсизланишига инфляция деб айтилади.

Инфляция қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

1. Товар ва хизматлар баҳосининг узлуксиз ва тартибсиз ўсиб бориши натижасида пулнинг қадрсизланиши ва унинг сотиб олиш қобилиятининг тушиб бориши;

2. Чет эл валютасига нисбатан миллий валюта курсининг тушиб кетиши;

3. Миллий пул бирлигида олтин нархининг ошиб бориши ва бошқалар.

Баъзи бир иқтисодчиларимизнинг<sup>1,2</sup> фикрича инфляция - бу барча товарлар баҳоларининг ошишини билдирмайди. Инфляция жуда тез ўсган тақдирда ҳам айрим товарлар баҳоси барқарор бўлиб қолиши, бошқаларники тушиши ҳам мумкин экан. Бизнинг фикримизча, бундай хулосалар 70-80 йилларнинг инфляциясига мос келиши мумкин.

Албатта, инфляция даврида баҳоларнинг ошиши доим бир хил суръатларда бўлмасдан, сакраб турадиган бўлиши мумкин. Лекин, баъзи товарлар баҳосининг тушиши ёки барқарор бўлиб туриши XX асрнинг инфляцияси учун мос деб тўлиқ ишонч билан уқтира олмаймиз. Баъзида давлат аралашуви билан аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган айрим бир товарлар баҳосининг маълум даврда барқарор ушлаб туриш мумкин, аммо инфляциянинг кучайиб бориши шу товарлар баҳоларининг ҳам охир оқибатда ошишига олиб келади. Бизнинг фикримизча, баҳолар ошиши тўғрисида гапирганда, инфляция даражасида баҳолар ошиши ва умуман баҳолар ошиши тушунчаларини тўғри талқин қила олиш керак. Масалан, ҳамма вақт ҳам баъзи товарлар баҳосининг ошиши инфляцияни англатмаслиги мумкин. Товарлар баҳоси ошиши инфляция бўлмаган даврда, олтин пул муомаласи шароитида ҳам бўлиши мумкин.

Инфляциянинг турлари ва тоифалари.

Халқаро амалиётда бозорда товарлар ва хизматлар баҳосининг ўсиб боришига қараб инфляцияни бир неча турларга бўлиб қаралади:

■ судралувчи инфляция. Баҳоларнинг ўртача йиллик ўсиши 5-10% дан ошмайди. Инфляциянинг бу тури кўпроқ ривожланган мамлакатларга хос бўлиб, мамлакат иқтисодий ривожланиш даражасига қараб баҳолар ошиши 3-4% атрофида ҳам бўлиши мумкин. Бу инфляция аксинча ишлаб чиқаришни

<sup>1</sup> Кэмбелл Р., Макконел, Стенли Л. Брью «Экономикс» М.: 1993 г. с. 163

Жураев Т.Т., Жураев А.Д. «Пул капитал ва ҳазина моллари бозори. Молия, кредит-банк тизими ва давлатнинг солиқ сиёсати» Т.: 1994 й.



янада ривожлантиришни рағбатлантирувчи омил сифатида намоён бўлиши мумкин. Пулнинг қиймати барқарорлигидаги ўзгариш сезилмаслиги мумкин.

■ шиддатли инфляция. Баҳоларнинг ўрта йиллик ўсиши 10-100% (баъзида 200% гача) бўлиши мумкин. Инфляциянинг бу тури ривожланаётган мамлакатларда кўпроқ учрайди.

■ гиперинфляция. Баҳоларнинг ўсиш суръатлари йилига 200% дан ошиб кетади. Бу инфляция мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг инқирозли даврига мос келади ва у иқтисодиёт таркибий қисмларининг ўзгариши билан боғлиқ. Ҳозирги даврда ХВФ баҳолар ойига 50% дан ошган вақтда бу гиперинфляция деб қабул қилган. Гиперинфляция даврида баҳолар кун сайин ошиб боради ва баҳолар билан иш ҳақи ўртасидаги фарқ жуда юқори бўлади. Аҳолининг яшаш шароити қийинлашади, корхоналар фаолияти ёмонлашади. Хўжалик фаолияти, бозор фаолиятида натураллаштириш авж олади.

Инфляциянинг келиб чиқиш сабабларига қараб унинг икки тоифасини кўрсатиш мумкин: талаб инфляцияси ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ инфляция (таклиф инфляцияси).

Талаб инфляцияси. Инфляциянинг бу анънавий тури талаб ошиб кетганда юзага келади. Ишлаб чиқариш соҳаси аҳолининг талабини тўла кондира олмайди, таклифга нисбатан талаб ошиб кетади. Натижада товарлар баҳоси ўсади. Кам миқдордаги товарларга кўп пул массаси тўғри келади.

Талаб инфляциянинг юзага келиш сабаблари қуйидагилардан иборат.

а) ҳарбий харажатларнинг ўсиши ва иқтисоднинг милитарлашуви.

Ҳарбий техника сотиб олиш ва бошқа ҳарбий харажатларни қоплаш билан боғлиқ бўлган жараёнлар муомалага керагидан ортиқча пул чиқаришнинг омили ҳисобланади.

б) давлат қарзларнинг ўсиши ва бюджет дефицитининг мавжудлиги.

Бюджет дефицити одатда заёмлар чиқариш ёки банкноталар эмиссия қилиш йўли билан қопланади. Бу ўз навбатида қўшимча муомала воситалари бўлишига, қўшимча талаб юзага келишига олиб келади. Ўзбекистонда

бюджети дефицитини қоплаш юқорилардагидан ташқари 1996 йилдан бошлаб давлат қисқа муддатли мажбуриятларини (ДҚМО) сотиш орқали ҳам қопланмоқда.

в) Халқ хўжалигига ортиқча кредитлар бериш натижасида муомалада кредит билан боғлиқ муомала воситалари юзага келади. Булар товар ва хизматларга бўлган талабни оширади.

г) Чет эл валютасининг мамлакатга кириб келиши ва унинг миллий валютага алмашинуви натижасида, муомалада пул массаси ортиб боради, миллий пулга нисбатан чет эл валютанинг қадри ошади.

д) Халқ хўжалигининг етакчи тармоқларини керагидан ортиқча инвестициялаш ҳам оборотга қўшимча пул эквивалентларини чиқаришига олиб келади.

Шундай қилиб, талаб инфляцияси умумий талабнинг ўсиши натижасида баҳолар ўсиши билан намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ (таклиф) инфляцияси.

Бу инфляциянинг сабаблари қуйдагилар бўлиши мумкин:

а) ҳар хил жараёнлар ва таркибий ўзгаришлар туфайли меҳнат унумдорлигининг пасайиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатлар ошади. Умуман халқ хўжалиги бўйича ишлаб чиқариш ҳажми, бинобарин, товарлар бўйича таклиф қисқаради ва товарлар баҳоси ошади. Корхоналарнинг фойда ҳажми қисқаради.

б) ҳар хил янги хизмат турлари пайдо бўлади ишлаб чиқаришга нисбатан кам меҳнат унумдорлигида юқори иш ҳақи олишга имконият туғилади. Натижада товар ва хизматларга бўлган баҳо ошиб боради.

в) аҳолини социал жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида иш ҳақининг ошиши, товарлар баҳосининг ошишига олиб келади ва яна иш ҳақи ошади ва ҳ.к. бу занжир узлуксиз давом қилиш мумкин.

## 2. Ўзбекистонда инфляция ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили

Ўзбекистондаги инфляция бу мустақил Ўзбекистон заминида вужудга келган инфляция эмас. Тарихан бу инфляция собиқ СССР да юзага келган. Бу инфляциянинг умумий иқтисодий сабаби давлат бошқарувида иқтисодга нисбатан сиёсатга кўп эътибор берганидандир. Натижада ишлаб чиқариш суръатлари тушиб кетди. Товар камёблиги яширин жараён бўлиб, товарларни ишлаб чиқариш учун кўп харажат қилинсада (хом-ашёларнинг нархи юқорилиги туфайли) товарлар паст баҳода сотилган. Фарқ давлат бюджетидан қоплана борган. 1992 йилнинг бошидан эркин баҳоларга ўтиш натижасида (озик овқат ва ёқилги ресурслардан ташқари) инфляция юзага отилиб чиқди ва тез суръатлар билан ривожланиб кетди.

Шу туфайли Ўзбекистондаги инфляция собиқ СССР даврида юзага келган инфляциянинг қолдиғидир ва уни даволаш узок вақтни талаб қилади. Собиқ СССР да, жумладан Ўзбекистонда 90 - йиллардаги инфляциясининг асосий сабаблари - иқтисодий мувозанатнинг йўқлиги, ишлаб чиқариш суръатларининг тушиб кетиши натижасида режали иқтисодиётдаги инқироз; -маҳсулотлар сифатининг, меҳнат унумдорлигининг пастлиги; -ишлаб чиқаришда харажатлар салмоғининг ошиб кетиши, беҳуда сарфлар, иқтисод принципларига риоя қилмаслик ва бошқалар ҳисобланади.

Ундан ташқари ривожланган бозор шароитига ўтмасдан туриб баҳоларнинг эркинлашуви, товар массаси устидан баъзи бўлимларининг якка ҳукмронлик ўрнатиши, баҳоларни хохлагача бошқариш, кредит, молия сиёсатларининг нотўғри олиб бориш, иқтисоднинг «долларлашуви», «рубль зона» сининг емирилиши, валюта тушумлари ва миллий бойликнинг четга оқиб кетиши ва бошқалар инфляция жараёнининг яна ривожланишига олиб келган.

Инфляция жамиятнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

1. Мамлакат иқтисодий аҳволини танг ҳолга олиб келади:

- ишлаб чиқариш ҳажми тушиб кетади баҳоларнинг ошиб бориши ишлаб чиқариш истиқболларига тўғноқ бўлади.

- капиталнинг асосий қисми ишлаб чиқаришдан савдо (муомала) соҳасига, воситачилик соҳасига оқиб ўтади. Чунки ишлаб чиқаришдан кўра савдо соҳасидаги капитал тезроқ ва кўпроқ фойда келтиради;

- баҳоларнинг ўзгариб туриши олиб-сотарликни ривожлантиради, арзон вақтида олиб, қиммат бўлганда сотиш жараёни, товар захираларини яшириш жараёнлари авж олади;

- кредит бериш жараёнлари чекланган бўлади. Қарз олувчилар кўпаяди-ю, қарз берувчилар сони қисқаради, чунки қарз берган ютказиши мумкин;

- давлатнинг молия ресурслари қадрсизланади ва ҳ.к.

2. Аҳолининг кам даромад олувчи қисмининг социал жиҳатдан аҳволи ёмонлашади. Уларнинг реал даромадлари камаяди. Номинал даромаднинг баҳолар ўсишидан тушиб кетиши натижасида аҳолининг ҳаёт даражаси пасаяди. Айниқса, нафақа, давлат ташкилотларидан маош олувчиларнинг аҳволи қийинлашиши мумкин. Инфляция аҳоли жамғармаларининг қадрсизланишига олиб келади. Баъзида инфляция аҳоли баъзи қатламларининг (савдо-сотик соҳасида) бойишига олиб келади.

Давлат аҳолининг даромадлар даражасини тенглаштириш мақсадида даромад ва солиқларни индексация қилиб боради.

Ўзбекистонда монетар сиёсатнинг воситаларидан фойдаланиш амалиёти бевосита мустақил банк тизимининг шаклланиши ва миллай валюта – «Сўм»нинг муомалага киритилиши асосида мутақил пул-кредит сиёсатининг юритилиши билан боғлиқ.

Жаҳон банк тизими амалиётдан маълумки, ҳар бир мамлакатда икки поғонали банк тизими фаолият кўрсатади. Биринчи поғонада-Марказий банк мамлакатда пул муомаласини ва барча кредит муассасаларининг фаолиятини тартибга солиб туради. Иккинчи поғонада эса тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотларидир. Банк тизимининг бундай бўлиниши авваламбор, Марказий банк ва тижорат банкларининг мақсадлари, вазифалари ва мавқеини белгилайди.

Миллий валюта муомалага киритилгунга қадар Марказий банк мустақил монетар сиёсатни амалга ошириш ва унинг воситаларидан кенг фойдаланиш имконига эга эмас эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тузилди ва унга мамлакатда пул муомаласини тартибга солиш, тижорат банклари тизимини вужудга келтириш ва тўлов тизимини ташкил этиш вазифалари юклатилди.

Ҳозирги пайтда МДХ давлатларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ўтиш даври давом этмоқда. Ушбу давлатлар ўтиш жараёнини тугаллаш мақсадида иқтисодий ва тузилмавий ислохотларни давом эттирмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банки томонидан монетар сиёсатнинг билвосита воситаларини қўллашга ўтиш, улардан пул массаси ва банк тизими ликвидлилигини самарали тартибга солиш, молия бозорларини яратиш ва ривожлантириш мақсадида мустақиллик йилларида қатор иқтисодий ислохотлар ўтказилди ва ижобий натижаларга эришилди.

Монетар сиёсатнинг билвосита воситаларини тўлиқ жорий қилиш, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни талаб қилади. Ҳозирги пайтда барқарор иқтисодий ўсиш кузатилаётган бўлса-да, МДХ давлатларидаги каби мамлакатимизда ҳам монетар сиёсат воситаларини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган ўз ечимини топмаган айрим муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд.

Монетар сиёсатнинг асосий билвосита воситаларидан бири-мажбурий заҳира талаблари хусусида аниқланган айрим муаммо ва камчиликларни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ кўрдик.

Маълумки, муомаладаги пул массасининг ҳажмини, банкларнинг ликвидлилигини мувофиқлаштириш, инфляция суръатларини тушириш, инвестор ва омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида

Марказий банк тижорат банклари учун мажбурий захиралар меъёрини ўрнатади. Мажбурий захиралар тижорат банклари маблағларининг Марказий банкда мажбурий тарзда сақланиши зарур бўлган қисмидир. Унинг миқдори тижорат банкларининг жалб қилинган маблағларига нисбатан фоизда белгиланади. Ушбу восита орқали банкларнинг минимал ликвидлиги таъминланади.

Мажбурий резерв талаблари тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдорига таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишда пул-кредит сиёсатининг муҳим инструментларидан бири сифатида қўлланилмоқда.

Мажбурий резерв ставкаларининг тез-тез ўзгариб туриши бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар учун характерли ҳол ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби инфляция жараёнларининг нисбатан юқорилиги ва халқ хўжалигини структуравий қайта қуриш билан боғлиқ тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида муомаладаги пул массасининг кўпайиб кетишидир.

#### 1-жадвал

**1992 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда мажбурий захира фоизини ўзгариши<sup>3</sup> (% ҳисобида)**

<i>Амал қилиш муддати</i>	<i>Талаб қилингунча сақланадиган депозитлар ва муддати 3 йилгача булган депозитлар буйича</i>	<i>Муддати 3 йилдан ортик булган депозитлар буйича</i>	<i>Хорижий валютадаги депозитлар буйича</i>
1992 йил 2 сентябрдан	15	15	15
1993 йил 1 январдан	20	10	20
1994 йил 1 майдан	30	10	30
1995 йил 1 январдан	30	10	25
1996 йил 1 июндан	25	10	0
1997 йил 1 декабирдан	20	10	0
2000 йил 25 мартдан	20	20	0
2005 йил 1 февралдан	15	15	5


<sup>3</sup> www.cbu.uz

2005 йил 1 октябрдан		15		15		8	
2007 йил сентябрдан		13		13		13	
2008 йил ноябрдан		15		15		15	
		<i>Муддати 1 йилгача депозитлар учун</i>		<i>Муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун</i>		<i>Муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар</i>	<i>Хорижий валютадаги депозитлар буйича</i>
2009 йил сентябрдан	1	15		12		10.5	15

2012 йилда инфляция ва пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб ҳамда тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида, мажбурий резервлар нормаси, юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилгача бўлган муддатга жалб қилинган депозитлар учун – 15 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун – 10,5 фоиз миқдорда ўзгартирилмасдан қолдирилди.

2012 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари ҳажми 443 млрд. сўмга ёки йил бошига нисбатан 31,8 фоизга кўпайди.

1-диаграмма



Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобварағига қўшимча равишда 3 176 млн. АҚШ доллари

микдоридаги маблағлар йўналтирилиши пул массасини прогноз кўрсаткичдан ортиқча ўсишининг олдини олишга ва шу орқали ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг **қайта молиялаш ставкаси** инструментида ҳам пул бозоридаги фоиз ставкаларини бошқаришда ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида кенг фойдаланилди.

Инфляция даражаси, пул массаси ҳажмининг ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган мақсадли параметрларидан келиб чиқиб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2012 йилда йиллик 12 фоиз микдорида сақлаб қолинди.

Қайта молиялаш ставкасининг ушбу даражада ушлаб турилиши пул бозорида молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлашга, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятини оширишга, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва айни пайтда тижорат банкларининг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.


Бизга маълумки, хорижий давлатларнинг банк амалиётида мажбурий заҳира ставкаларини белгилашда тижорат банклари депозитларининг муддати ва суммаси ҳисобга олинади. Яъни депозитнинг муддати қанчалик катта бўлса, мажбурий заҳира ставкаси унга нисбатан шунчалик юқори белгиланади. Бу эса “ликвидли пул”ларнинг пул муомаласига кўрсатадиган салбий таъсирига барҳам бериш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида мажбурий заҳира ставкалари тижорат банклари депозитларининг муддати ва суммасига боғлиқ равишда табақалаштирилмаган. Бу эса, ўз навбатида, биринчидан, тижорат банкларининг ресурс базасини шаклланишига салбий таъсир қилади, иккинчидан, ликвидли пулларнинг (M1 пул агрегати) пул муомаласига нисбатан салбий таъсирига барҳам бера олмайди.



2-диаграмма


**Макроиктисодий кўрсаткичлар динамикаси**



2012 йилда умумлаштирилган давлат бюджетининг даромад қисми ортиғи билан бажарилиши ҳисобига унинг ЯИМга нисбатан 0,4 фоиз миқдорда профицит бўлиши таъминланди.

2-диаграмма

**Ўзбекистон Республикасида инфляция даражаси<sup>4</sup>**



2012 йилда инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлар доирасида сақланиб қолинди ва 7 фоиздан ошмади.

<sup>4</sup> www.cbu.uz

Бунда қатъий пул-кредит сиёсати юритилганлиги инфляцияни жиловлашда муҳим аҳамият касб этди ва истеъмол баҳолари индексининг ўсиши асосан номонетар омиллар ҳисобига юз берди.

Жумладан, ўтган йилда озиқ-овқатлар маҳсулотларининг нархи 5,1 фоизга ўсиб, унинг инфляцияга таъсири 2,75 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархи 4,3 фоизга ўсиб, инфляция даражасига таъсири 1,19 фоизни ташкил этди.

Хизматлар нархи эса 16,5 фоизга ўсиб, истеъмол баҳолари индексига таъсири 3,06 фоизни ташкил қилди.

Айрим ривожланган давлатларда марказий банкларнинг мажбурий заҳира сиёсатидан асосий монетар восита сифатида фойдаланилмайди. Халқаро валюта фондининг расмий ҳисобот маълумотларига кўра, масалан, Буюк Британияда мажбурий заҳира ставкаси атиги 0,45 фоизни, Японияда 0,1-0,125 фоизни, Францияда 0,5-1,0 фоизни ташкил қилади. Бунинг асосий сабаби, мазкур мамлакатларда монетар сиёсатнинг бошқа воситалари яхши ривожланганлигидан далолат беради.

Россия Федерациясида тижорат банкларига мажбурий заҳира ажратмаларининг маълум қисмини банкларнинг балансидаги Ҳукумат қимматли қоғозларида тўлаш ҳоллари ҳам учради. Бизнинг фикримизча, мана шу тадбирни илмий асосда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Чунки мажбурий заҳира ставкалари юқори бўлган шароитда унинг маълум қисмини юқори даражада ликвидли бўлган қимматли қоғозларда тўлаш, биринчидан, тижорат банкларининг ликвидлилигини сезиларли даражада ошишига олиб келади, иккинчидан, банк активларининг даромадлилигига нисбатан салбий таъсир юзага келмайди.

### **3. Пул муомаласини барқарорлаштириш ва инфляцияни бартараф қилиш йўллари**

Инфляциянинг ҳар томонлама авж олиб кетиши мамлакатда социал ва итисодий жиҳатдан қарама қаршилиқлар юзага келишига олиб келади. Шунинг учун давлат инфляциянинг олдини олиш, пул муомаласини барқарорлаштириш чора - тадбирлари ишлаб чиқади. Инфляцияга қарши курашнинг асосий шакллари: инфляцияга қарши сиёсат ва пул ислоҳати ҳисобланади.

Ҳар давлатда пул муомаласи маълум қонун қоидалар асосида тартибга солиб турилади.

Олдинги марказлашган, режали бошқарувга асосланган иқтисодий тизимда пул муомаласи режалаштириш асосида бошқариб келинган. Аҳолининг даромади ва харажатларини давлат томонидан мувофиқлаштириб турилган. Товар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳолига кредитга товар бериш, баҳолар тизимини ўзгартириб туриш ва ҳаказолар. Барча жараёнлар давлат томонидан бошқарилгани учун пул муомаласи қонуни бузилганда давлат ўз ваколати доирасида нархларни ўзгартириш йўли билан, пул реформаси билан пул муомаласини тартибга солиб келган.

Бозор иқтисоди шароитида пул муомаласи маълум усуллар ёрдамида тартибга солиб турилади.

Бизнинг давлатимизда пул муомаласини тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қўйидаги усуллардан фойдаланади.

1. Мажбурий резерв ставкаси нормасини белгилаш.
2. Тижорат банкларини очиқ бозорда қатнашиши.
3. Марказлашган кредитлар учун қайта молиялаштириш ставкасини ўрнатиш.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонунга кўра Марказий банк тижорат банкларига минимал мажбурий резерв бўйича

маблағларни махсус счётада сақлаб туриш мажбуриятини юклаш ҳуқуқига эга. Бундай резервлар нормалари банкнинг мажбуриятлари турига, омонат ва муддатига қараб белгиланади. Бу механизм асосан тижорат банкларининг ликвид маблағлари ҳажмининг мувофиқлаштириш учун фойдаланади.

Ҳозир кўпгина давлатларда пул муомаласини тартибга солишда очик бозорда операциялар ўтказиш усулидан фойдаланилмоқда.

Бу ҳозирги кўп қўлланадиган монетар сиёсатнинг бир усули ҳисобланади. Бу усул тижорат банкларининг ликвидлик даражасига тезда таъсир ўтказа оладиган эшилувчан (мосланувчан), амалий ва оператив усул ҳисобланади. Бу усулни бошқаларидан фарқи шундаки, уни заруриятга қараб ва хоҳлаган миқдорда ўтказиш мумкин. Бу механизм бозорни ривожланиш тенденциясига қараб пул муомаласини барақарорлаштира олиши мумкин. Марказий банкнинг очик бозорда операциялар ўтказиш ҳуқуқи қонунда белгиланган. Бунда олди - сотди объекти бўлиб давлат қийматбаҳо қоғозлари ва Марказий банк ўзи чиқарган қарз мажбуриятлари бўлиши мумкин. Ҳозиргача муомалада Марказий банкнинг уч ой муддатда сўндириладиган депозит сертификатлари юрган бўлса, 1996 йил март ойи охирида ГКО (давлат қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО)) чиқарилади. Бу тижорат банклари ва корхоналарининг маблағларини хавар-хатардан сақлаш ва даромад олиш имконини беради.

Давлат қимматбаҳо қоғозлар бозори Ўзбекистон учун янги ҳодиса ҳисобланади. ДҚМО ни киритиш биринчидан, Молия вазирлигига ўз жорий ҳаражатларининг бир қисмини инфляциядан ҳоли манба ҳисобидан қоплашга, иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг бўш маблағларини фойда олиш эвазига инвестиция қилиш мумкинлигига имконият яратди.

ҚМДО ларнинг бирламчи бозори Марказий банк валюта биржасида тижорат банклари иштириқида чиқарилади.

Зарур бўлса облигация эгаси иккиламчи бозорда ўз фойдаси эвазига уни сотиши мумкин.

Шундай қилиб, Марказий банк пул муомаласини барқарорлаштириш уни тартибга солиш борасида барча ваколат ва ҳуқуқий нормаларга эга.

Юқорида кўрсатиб ўтилган усуллар кўпгина давлатларда қўлланилади. Давлатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб бошқа селектив усуллардан ҳам фойдаланиши мумкин. Бу усулларни мақсади кредитлаш ҳажмига ва умумий пул массасига таъсир ўтказиб боришдир. Бу усулларни ҳар давлат ўзини ривожланиши даражасига қараб қўллаши мумкин.

Масалан, ривожланган давлатларда асосан очиқ бозорда операциялар ўтказиш усулидан фойдаланилади. Юқоридагиларни таҳлил қилсак, ҳар усул у ёки бу йўл билан (бевосита ёки билвосита) муомаладаги пул массасини камайишига ёки кўпайишига таъсир қилади.

Иқтисодиётдаги аҳволга қараб Марказий банк ўзининг пул- кредит соҳасидаги стратегиясини аниқлайди. Бундан ташқари мамлакатдаги пул муомаласи ҳукумат томонидан чиқарилган қарор ва буйруқлар билан ҳам бгошқарилади. Бунга мисол қилиб корхона ташкилотларини касса тушум режасини бажариши устидан қаттиқ тазорат ўрнатиш, барча савдо шаҳобчаларини инкассацияга тортиш, аҳолини ўз даромадини давлат банкларида сақлашга тарғиб қилиш ва ишонтириш, қийматли қоғозлар бозорини кенгайтириш, ҳисоб чекларидан кенг фойдаланиш, банк тизимини такомиллаштириш, яъни электрон карточкаларини жорий бўлиш ва бошқалар буларнинг ҳаммаси муомаладги пул массасининг камайишига, эмиссия миқдорининг қисқаришига олиб келиши мумкин.

Ҳозирги пайтда кўпчилик МДХ давлатлари каби мамлакатимизда ҳам билвосита воситаларнинг айримларидан фойдаланилмоқда, холос. Хусусан, Ўзбекистонда Марказий банк томонидан монетар сиёсатни амалга оширишда мажбурий заҳира меъёрлари, қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш, фоиз сиёсати, ички валюта бозорида операциялар ўтказиш каби билвосита воситалар қўлланилмоқда.

Шунингдек, тижорат банкларининг бўш пул маблағларини махсус депозитларга ва Марказий банкнинг қимматли қоғозларига жалб қилиш бўйича операциялар ҳам мунтазам равишда ўтказилмоқда. Ушбу операциялар 1 кунлик, 1 ҳафталик, 2 ҳафталик депозит аукционлари кўринишида амалга оширилмоқда.

Айни пайтда ривожланган ва ривожланаётган хорижий давлатлар банк тизимида пул массаси ҳамда молия бозорларини самарали тартибга солишда очик бозордаги операциялар, ҳисоб сиёсати, мажбурий захиралар сиёсати каби барча билвосита воситалар кенг қўлланилмоқда. Айниқса, очик бозордаги операциялар энг таъсирчан ва самарали воситалардан бири сифатида кенг фойдаланилмоқда. Ушбу мамлакатларда бозор инфратузилмасининг юксак даражада ривожланганлиги, марказий банклар мустақиллигининг таъминланганлиги, ўз навбатида, монетар сиёсат самарадорлигини янада ошириш учун қулай шароитлар яратмоқда.

Умуман, билвосита воситаларга ўтиш жараёни ривожланган мамлакатларда осон кечди. Биринчидан, уларда молия бозори етарли даражада ривожланган бўлиб, Марказий банк билвосита воситалардан янада кенгроқ фойдалана бошлади. Иккинчидан, макроиқтисодий ҳолат асосан мувозанатлашган эди. Учинчидан, фоиз ставкалари тез-тез чекланганлигига қарамасдан, одатда улар бозор мувозанатини таъминловчи даражага яқин эди ва жиддий номутаносибликларни келтириб чиқармади. Ривожланаётган давлатларда эса маълум институционал ҳамда иқтисодий шарт-шароитлар йўқлиги туфайли турли муаммоларни ҳал этишга тўғри келган эди.

Иқтисодиётдаги энг асосий муаммолардан бири бу оқилона инфляция даражасини аниқлаш, яъни инфляция даражаси неча фоиз миқдорда бўлса, иқтисодий ўсиш энг юқори бўлади. Бу саволга ҳеч бир иқтисодчи аниқ жавоб беролмайди, албатта. Чунки инфляция даражасига таъсир этувчи омиллар ҳар бир давлат учун ўзига хос хусусиятларга эга. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кўпгина давлатлар инфляция даражасини

йиллик 1-3 фоиз атрофида ушлаб туришга ҳаракат қилади ва иқтисодий ўсиш энг юқори бўлади.

Ҳозирги пайтда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар каби ўтиш иқтисодиётидаги давлатлар, жумладан Ўзбекистон ҳам ўз монетар сиёсатини кўпроқ нархлар барқарорлигини таъминлашга йўналтирмоқда. Бу эса пул агрегатларидан оралиқ мақсад сифатида фойдаланишдан инфляциянинг мақсадли кўрсаткичларига ўтишни тақозо қилади.

Инфляциянинг мақсадли кўрсаткичларини белгилаш икки муҳим шартнинг бажарилишини талаб этади. Биринчидан, Марказий банк монетар сиёсатни амалга оширишда етарли даражада мустақил бўлиши ва белгиланган мақсадли кўрсаткичга эришишда монетар воситаларни эркин танлаб олиш ҳуқуқига эга бўлиши зарур. Иккинчидан, ҳукумат иш ҳақи, ишсизлик ва валюта курси каби бошқа иқтисодий кўрсаткичларни таргетлашдан воз кечиши керак. Ушбу шартларни бажарган мамлакатлар инфляциянинг мақсадли кўрсаткичларини қўллаши мумкин.

2013 йилда монетар сиёсат ва банк тизимининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган вазифаларнинг бажаришга қаратилади. Хусусан:

иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш;

иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш;

йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шарти ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш;

иш ўринларини ташкил этиш ва мамлакат аҳолиси бандлигини таъминлаш ҳамда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлаш борасида банк тизимида дастурий комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш 2013 йилги пул-кредит сиёсатининг ва банк тизими фаолиятининг энг муҳим устувор йўналишлари қилиб белгилаб олинди.

2013 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг 8,0 фоизга ўсиши, саноатнинг 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалигининг 6 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг 11 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасининг қарийб 16 фоизга ошиши ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 53 фоизгача ўсиши прогноз қилинмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефть-газ ва нефть-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобига таъминланиши кутилмоқда.

2013 йилга тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига мувофиқ, унинг дефицитини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1 фоиздан оширмаслик ҳамда уни тўлиқ ноинфляцион манбалар ҳисобидан молиялаштириш белгиланган.

Ички бозорда истеъмол товарлари нархларининг шаклланишига таъсир қилувчи омилларни, жаҳон бозоридаги нархлар динамикасини, шунингдек, ички талабни рағбалантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни инобатга олган ҳолда, 2013 йил учун инфляция даражаси 7-9 фоиз миқдорида прогноз қилинмоқда.



2013 йилга мўлжалланган пул-кредит кўрсаткичларининг прогнози Хукумат томонидан белгилаб берилган юқоридаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогноз параметрларига мувофиқ белгиланди.

Ушбу асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози доирасида, 2013 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 8,0 фоизга ўсишининг пулга бўлган реал талабларини ва аҳоли даромадлари ўсиб бораётганлигидан келиб чиқиб, пулнинг жамғариш омилини инобатган олган ҳолда, ўртача йиллик пул массаси ялпи ички маҳсулотга нисбатининг 1,0 фоиз бандга ошиши прогноз қилинмоқда.

Ўз навбатида, инфляция даражаси ва пул массасини мақсадли параметрлар доирасида ушлаб туриш мақсадида 2013 йилда Марказий банк қатъий пул-кредит сиёсатини амалга оширишни давом эттиради ва ушбу мақсадда монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан фаол фойдаланади.

Жумладан, тўлов балансининг прогноз параметрини ҳисобга олиб, банк тизимида вужудга келиши мумкин бўлган ортиқча ликвидликнинг инфляцион босимини олдини олиш мақсадида, Марказий банк томонидан амалга ошириладиган стерилизация операциялари ҳажмини 1,3 мартагача ошириш мўлжалланмоқда.

Фоиз сиёсатида асосий эътибор пул бозорининг барқарорлигини ва банк депозитлари жозибдорлигини таъминлашга, жумладан, аҳоли омонатлари бўйича реал фоиз ставкаларининг ижобийлигини сақлаб қолиш ҳамда тижорат банклари депозитлар портфелидаги узоқ муддатли депозитлар улушини оширишга, шунингдек иктисодиётнинг реал секторига ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг мақбуллигини таъминлашга қаратилади.

Пул массасининг йиллик ўсиш кўрсаткичлари прогнози ва инфляциянинг 7-9 фоизли мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда иктисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва тижорат банкларининг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида

қайта молиялаш ставкасини 2013 йил давомида 12 фоиз даражада сақлаб туриш режалаштирилмоқда.

Валюта алмашув курси экспортни рағбатлантирувчи ва инфляциянинг олдини олишга қаратилган механизм сифатида қўлланилади.

Ушбу мақсадда ўзгариб боровчи бошқариладиган алмашув курси стратегияси қўлланилади ва алмашув курси мақсадли коридор доирасида ушлаб турилади. Бунда асосий эътибор сўмнинг реал эффектив алмашув курсининг барқарорлигини таъминлашга қаратилади.

## Хулоса

2013 йилда Марказий банк, ички ва ташқи молия бозорларидаги ҳолатлардан келиб чиқиб, монетар сиёсатнинг тегишли бозор инструментларини қўллаган ҳолда пул-кредит сиёсати юритишни давом эттиради.

Шу билан бирга, монетар сиёсат инструментларининг самарадорлигини янада ошириш ва қўрилаётган чора-тадбирларнинг пул бозорининг ҳолатига таъсирини кучайтириш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилади.

Банк тизими ликвидлигини домий равишда мониторинг қилиб бориш доирасида тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағидаги ва бошқа юқори ликвидли активларининг ҳаракати таҳлил қилиб қилиб борилади ва уларнинг энг мақбул даражада бўлишини таъминлаш учун Марказий банк томонидан аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Мажбурий резервлар нормаси банк тизимининг ликвидлик даражаси, пул массасининг ва тижорат банклари кредит қўйилмаларининг ўсиш суръатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиб, зарур ҳолларда ўзгартириб борилади.

Шунингдек, банк тизимида вужудга келиши мумкин бўлган ортиқча ликвидликнинг инфляцион босимининг олдини олиш ҳамда пул массасини тартибга солиш мақсадида, тижорат банкларининг маблағларини Марказий банкдаги турли муддатли депозитларга жалб қилиш орқали стерилизация операциялари ўтказиб борилади.

Банк тизимида вақтинчалик ликвидлик етишмовчилиги юзага келган ҳолларда Марказий банк томонидан ликвидлик билан таъминлаш инструментларидан, хусусан:

Марказий банк томонидан тижорат банкларидан хорижий валютани (АҚШ доллари, евро, япон иенаси ва фунт стерлинг), белгиланган муддат ва алмашинув курсида қайта сотиш шарти билан, сотиб олиш операциялари - валютавий СВОП операцияларидан фойдаланилади.

Шунингдек, ички валюта бозоридаги барқарорликни ва сўмнинг алмашув курсининг белгиланган коридор доирасида бўлишини таъминлаш мақсадида, Марказий банк банклараро валюта бозорида олди-сотди операцияларини амалга оширади.

Марказий банк, зарур ҳолларда, пул бозорида сўнгги инстанциядаги кредитор сифатида, тижорат банкларига уларнинг ликвидлигини сақлаш мақсадида, қисқа муддатли кредитлар ажратади.

Банк тизими ликвидлигини тартибга солиш тизимини бозор тамойиллари асосида янада такомиллаштириш фоиз сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва пул бозорида фоиз хатарларини пасайтириш имконини беради.

2013 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган «2011 - 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар» дастурида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг банк тизимига оид бошқа қарорларида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга қаратилади.

Бу борада банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, Республика молия-банк тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк назоратини кучайтириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу вазифалар доирасида банк тизими назоратини Базель кўмитасининг янги тавсиялари асосида такомиллаштириш, банк тизимини ва алоҳида банкларни юқори халқаро рейтинг баҳоларига эга бўлишини таъминлаш, тижорат банкларининг ресурс базасини янада кенгайтириш,

уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ҳамда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган кредитлар ҳажмларини кўпайтириш каби муҳим чора-тадбирларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонуни // 2006 йил 15 сентябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // 2005 йил 20 июнь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1447-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги 75-сон «Фермерлар, хусусий тадбиркорларни, шунингдек, кичик бизнеснинг бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2-чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 августдаги 309-сон «Ўзбекистон Республикасида микромолиялашни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2-чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 14 апрелда 1675-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 2007 йил 13 мартда 288-В-сон билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низом (янги тахрирда).

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 21 февралда 1548-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 2005 йил 31 декабрда 273-В-сон билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Микрокредитбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги 16 апрель 2004 йилда 1337-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 1 март 2004 йил 563-сон билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида»ги Низом.

10. Марказий банк Бошқаруви томонидан 2006 йил 8 апрелдаги 9/7-сонли қарори «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон

хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги Низом

**11.** Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги 30 апрель 2004 йилда 1345-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 1 март 2004 йил 564-сон билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиklarининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низом

**12.** Каримов И.А. “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

**13.** Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.-Тошкент.: Ўзбекистон, 2011-Б.58.

**14.** Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

**15.** Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: « IQTISOD-MOLIYA », 2007.–347 б.

**16.** Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Тошкент: Молия, 2003. –320 б.

**17.** Қоралиев Т., Ғ.Яхшибоев. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш механизми. – Тошкент: Академия, 2006. -116 б.

**18.** Малый бизнес: экономика, организация, финансы/ Под.ред. А.И.Муравьев, А.М.Игнатьев, А.Б.Крутик. Санкт-Петербург.: «Бизнес-пресс», 1999.- 607 с.

**19.** Қудратов Ғ., Хасанова Р, Махмудов Б., Хаджаев Х. Аграр секторда кичик бизнесни ривожлантиришнинг иқтисодий аҳамияти. Ўқув қўлланма. – иқтисод-молия, 2008. – Б. 74.

**20.** Маматов Б., Носиров Э., Хўжамқулов Д., Шарифхўжаева К. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш» Тошкент - 2007. 152 бет.

**21.** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007-2011 йиллардаги.

**22.** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2007-2011 йил маълумотлари.

**23.** Ўзбекистон Республикаси ОАТБ “Агробанк”ининг 2006-2011 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

**24. Интернет сайтлари:**

[www.bir.uz](http://www.bir.uz)

[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

[www.finance.uz](http://www.finance.uz)

[www.bma.uz](http://www.bma.uz)

[www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz)